ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 117 (10.422) / 2005 ЙИЛ 17 ИЮНЬ

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁГА САФАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ШУ ЙИЛ 16 ИЮНЬ КУНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб вилоятнинг Сариосиё туманида бўлди. Сариосиё кейинги йилларда нафақат Сурхондарё вилоятида, балки республикамизда ҳам пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида салмоқли ютуқларни қўлга киритиб келаётган туманлардан.

Туман ғаллакорларининг 9833 тонна сифатли дон йиғиштириб, 16 июнь куни йиллик шартнома режасини адо этгани ҳам буни тасдиқлайди.

Президент Ислом Каримов туман ғаллакорларини, барча деҳқонларни эришилган меҳнат ғалабаси билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари ушбу тумандаги Г.Хидиров номли ширкат хўжалигида бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги ижарачиси Суннатилла Мирзаев билан суҳбатлашди. Бу омилкор деҳқон жорий йилда 90 тонна ғалла етиштириб, гектаридан 70 центнердан ҳосил олишга эришди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ислом Жумаев етакчилик қилаётган оилавий пудрат аъзолари билан суҳбатлашди. Мулоқот давомида қишлоқда деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, ер унумдорлиги ва деҳқонларнинг даромадини ошириш, қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш, янги иш ўринларини яратиш, ишни тўғри ва самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом Каримов тумандаги болалар спорт мажмуини бориб кўрди. Ушбу замонавий спорт маскани мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат дастури асосида бунёд этилган юзлаб иншоотлардан биридир.

Президентимиз спорт мажмуида ёшлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишар экан, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган шиоримизнинг маъно-мазмуни шундай масканлар мисолида яққол намоён бўлишини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоятда жойлашган ҳарбий қисмда ҳам бўлиб, жанговар тайёргарлик ва ўқув машғулотлари қандай ташкил этилгани, ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароит билан қизиқди. Мутасадди раҳбарларга бу масалалар бўйича амалий топшириқ ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз бир гуруҳ аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида дунёдаги мавжуд халқаро вазият, Марказий Осиё минтақасига, хусусан, Ўзбекистонга нисбатан айрим давлатларнинг геополитик қизиқиши ортиб бораётгани, юртимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби хавф-хатарлар ва уларга қарши курашиш чоралари ҳақида алоҳида тўхталди.

Ислом Каримов шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон ҳудудида тасодифан рўй берган ҳодиса эмаслигини таъкидлаб, бу қонли фожиаларни амалга ошириш учун олдиндан пухта тайёргарлик кўрилганига, бу ҳаракатларнинг ташаббускор ва ташкилотчилари мамлакатимиздан ташқарида жойлашганига эътиборни қаратди. Шу боис бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, айниқса Ватан озодлиги, юрт тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилишни зиммасига олган ҳарбийларимиз ҳар қачонгидан ҳушёр ва огоҳ бўлиб, ўзининг муқаддас бурчини аъло даражада адо этиши, масъулиятини янада ошириши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Президент раҳбарлигида қисм командирлари, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ҳайратон божхона постида бўлиб, чегарачилар билан суҳбатлашди. Ватан остонадан бошланади, шу боис давлатимиз мустақиллиги, юртимиз тинчлиги деганда, биз аввало сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрашни тушунамиз, деди Президентимиз.

Юртбошимиз Ислом Каримов шу куни Қарши шаҳрига жўнаб кетди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Қ А Р О Р И*

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Энг улуғ, энг азиз умуммиллий байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ анъанага айланиб қолди. Айниқса, кейинги йилларда бу байрамни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказишга катта эътибор берилаётганини қайд этиш зарур.**

Бугунги кунда халқимиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини аввало ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Мустақиллик байрамининг катта тарихий-сиёсий аҳамиятини назарда тутиб ҳамда бу улуғ сананинг 14 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага, байрамнинг бадиий дастури учун ғоявий тавсиялар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахт Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, юртимиздаги барча шаҳар, туман ва қишлоқларда юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар ўн кун муддатда:

— Мустақиллик байрамини ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, республика комиссиясига тақдим этсин;

— жойларда ўтказиладиган байрам дастурларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун янги ижодий кучларни, ёш истеъдод эгаларини кенг жалб қилсин;

— байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг таркибини хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқсин.

4. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси, оммавий тадбирлар, бадиий дастур ва томошаларнинг маъно-мазмунига оид таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказиладиган байрам тадбирларининг умумий ғоявий-бадиий концепциясини ишлаб чиқсин (3-иловада баён этилган ғоялар, тушунча ва қарашлар асосида).

5. Мустақиллик байрамини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорининг 3-бандида белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 15 июнь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Қ А Р О Р И*

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ НОҚОНУНИЙ ТАЛАБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт- шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этишни ҳар чоракда тақдим этишга ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Бунда солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг амалдаги муддатлари сақлаб қолинсин.

2. Белгилансинки, ҳар чоракдаги ҳисоб-китоблар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай:

Давоми 2-бетда.

*Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!*

## ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ

**18 ИЮНДА ПОЙТАХТИМИЗДА, РЕСПУБЛИКА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ «NBU-OSIYO» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИЙ ЎЙИНГОҲИДА «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ» ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ.**



## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Сурхондарё вилояти пиллакорлари 965 тонна сифатли хом ашё тайёрлаб, бу соҳадаги шартнома режасини бажарди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 44 килограммдан ҳосил олинди.

• Мўйноқ тумани марказидан анча олисда жойлашган «Бўрлитов» овулида «зангори олов» ёнди. Қўли гул қурувчилар 23 километр масофага қувур ётқизиб, овулдаги 60 дан ортиқ хонадонга табиий газ ўтказди.

• Ўзбекистон Банклари ассоциациясида молия-банк секторини такомиллаштириш бўйича Бизнес-форум комиссиясининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

• «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент вилояти Янгийўл тумани филиалида банкнинг минтақавий филиалларидан келган ёш банк ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига оид семинар бўлиб ўтди.

• Паркент туманида диний-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг навбатдаги семинари ўз ишини якунлади.

• Юқори Чирчиқ туман Янгибозор қўрғонидаги Чирчиқ маҳалласида болалар учун спорт майдончаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

• Янгийўл шаҳрида ногирон ўғил-қизлар ўртасида «Мафтункор ранглар жилоси» деб номланган расмлар кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

• Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида 7-халқаро математик лойиҳалар танлови бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 23 давлатидан, жумладан, мамлакатимиздан умумий ўрта таълим мактабларининг 100 нафардан кўпроқ юқори синф ўқувчиси иштирок этди.

• Кеча ЕИнинг навбатдаги саммити очилди. У иттифоқ тарихидаги инқирозли бир даврга тўғри келди. Саммит давомида ташкилотга аъзо бўлган 25 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарлари ЕИ конституцияси лойиҳасининг Франция ва Нидерландиядаги муваффақиятсизлигидан сўнг юзага келган вазиятни таҳлил қилишади.

• Жанубий Кореядаги Daemoo Grup компаниясининг қидирувда бўлган собиқ раҳбари ўзини ҳукуматга топширди. 69 ёшли Ким Ву Чунг Вьетнамдан Сеулга етиб келгач, полиция томонидан ҳибсга олинди.

• Исроил пойтахти Тель-Авивда Исроил ва Фаластин Мухториятининг хавфсизлик органлари раҳбарлари ўртасида музокараларнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтмоқда.

• Американинг Аризона штатидаги Юма шаҳрида АҚШ денгиз-пиёда қўшинларига қарашли AV-8B Harrier қирувчи самолёти ҳалокатга учради.

• Тинч океаннинг Жанубий Калифорнияга яқин қисмида кучли ер силкиниши рўй берди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабарларига кўра, қирғоқдан 130 километр узоқликда бўлган зилзила марказида силкиниш кучи 7 баллга етди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ НОҚОНУНИЙ ТАЛАБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда

ойма-ой тақсимланган ҳолда — ҳар ойда тўланадиган барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бундан мустасно);

ҳар ўн кунликка тақсимланган ҳолда — Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бўйича ҳар чоракда бир марта тақдим этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори камайтирилган тақдирда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, хорижий валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинган тадбиркорлик субъектлари, мажбурий сотилиши лозим бўлган валюта тушуми миқдори ҳисоб-китобини ҳисобга олиш мақсадида, давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йилги Давлат статистика ишлари дастурини тайёрлаш доирасида икки ой муддатда:

тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистик ҳисоботини янада соддалаштиришга қаратилган ҳисобот шаклини;

йиллик статистик ва молиявий ҳисоботни ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутган ҳолда уни тақдим этиш муддатларини қайта кўриб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан оладиган, шу жумладан почта ва электрон алоқа воситасида оладиган молиявий ҳисобот, солиқлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин, бунда қабул қилиб олиш тартиб-таомилини соддалаштириш, унификациялаштирилган иш жадвали ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ва статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларига қатъий риоя этилишини таъминласин, бунда микрофирма ва кичик корхоналар:

бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот — 1-шаклни, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шаклни ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома — 2-а-шаклни — ҳар йили;

статистик ҳисоботни — ҳисобот турларига қараб ҳар чоракда ёки ҳар йили тақдим этадилар.

7. Тадбиркорлик субъектларидан:

давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш вақтида қилинган талаблар бундан мустасно);

бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган ҳар қандай ахборотни, шу жумладан ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишларига йўл қўйилмайдиган тартиб ўрнатилсин.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари қарорнинг ушбу бандини бузганлик учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни қабул қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, тадбиркорлик субъектларидан молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни, шунингдек бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни ноқонуний талаб қилишда айбдор бўлган шахсларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминласин.

Белгилансинки, мазкур хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар, тадбиркорлик субъектларига етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрни суд қарорига биноан айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда:

ҳисобот ва ҳисоб-китоблар тизимини, шунингдек ҳисобот ва ҳисоб-китобларни ноқонуний талаб қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида мунтазам мақолалар чоп этиб борилишини, телекўрсатув туркумлари ташкил этилишини;

минтақаларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича семинарлар, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари ходимлари учун молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни қабул қилиш борасида ўрнатилган тартиб бузилишига йўл қўймасликка қаратилган ҳафталик семинарлар ўтказиб турилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 15 июнь*

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони матбуотда чоп этилган куниёқ одамларнинг, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси кишиларининг унга муносабатини билгим келди. Чилонзор туманидаги «Кама-Файз» хусусий фирмасига қарашли 2-дўконга кирдим. Фирма раҳбари Мансур Каримов билан суҳбатлашдим.**

## ОРТИҚЧА ДАҲМАЗАЛАРДАН ҚУТУЛДИК

— Мансур ака, янгиликдан хабарингиз бордир?

— Президентимизнинг Фармонини айтасизми? Бўлмасам-чи! — Тажрибали тадбиркорнинг чеҳраси ёришиб кетди. — Кеча телевизорда эшитган эдим. Эрталаб биринчи қилган ишим — газета ўқиш бўлди. Фармоннинг ҳар сатрини тагига чизиб ўқидим. Ислом Каримовга раҳмат: ортиқча даҳмазалардан қутуладиган бўлдик. Энди, ука, мен дўконимизга қаердан, кимлар келиб бошимизни қотиришини номма-ном айтиб ўтирмайин. Бир сўз билан айтганда, улар ҳам ишбилармоннинг, ҳам давлатнинг танасига ёпишган зулук. Энди уларнинг таноби тортиладиган бўпти. Бунисе бизга жуда маъқул.

Мансур аканинг дўконидан чиқиб, «Ҳусан ва Бахтиёр» хусусий корхонасига кирдим. Директор — Ҳусан Жўраев кўзойнак таққанча газета ўқиб ўтирган экан.

— Ярим соатча олдин санмилициядан келган вакилни кузатиб қўйдим, — деди у. — Унга Президентимизнинг бугунги Фармонини айтдим. Ҳали ўқимаган экан.

— 1 июлдан бошлаб «кутилмаган меҳмонлар»нинг дийдиёсидан қулоғингиз тинчийдиган бўлди.

— Иншооллоҳ. Тўғриси, баъзан на ишлашингни биласан, на келди-кетдилар билан шуғулланишни. Корхонани юритишнинг ўзи бўлмайди, қанча меҳнат талаб қилади. Юкимизни енгил қилганлари учун Юртбошимизга минг раҳмат! Текширишлардан мазахўрак бўлиб қолганлар бундай ҳужжатлардан ҳам ўзларига «туйнук» топиб, яна олдимизга ўрмалаб келавермаса бўлгани.

«Равшана-фарм» дорихонаси, кимёвий тозалаш цехи, новвойхона, полиз маҳсулотлари ва мева-чева, гўшт дўконлари... Ҳаммасига бирма-бир бош суқдим. Тадбиркорлар билан бафуржа суҳбатлашдим. Барчаси Фармонни аллақачон қўлма-қўл қилиб ўқиган. Ҳаммаси миннатдор, қувончи ичига сиғмайди...

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

— Мустақилликка эришганимиздан буён Президентимиз ҳар бир чиқишларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, уларнинг йўлига ғов бўлаётган ҳар қандай тўсиқларни кескин танқид остига оладилар. Бир қатор чиқарилган фармон ва ҳукумат қарорлари, албатта мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очганлиги, шубҳасиз.

Лекин ҳеч кимга сир эмаски, ҳар хил ноқонуний текширувлар, ҳуда-беҳуда аралашувлар тадбиркорлик субъектлари ривожига жиддий тўсиқ бўлаётганди. Шу боис ҳам Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ўқиб, тўғриси пойтахтимиз тадбир-

## ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

кор аёллари номидан ҳам тўлқинланиб кетдим. Чиндан ҳам Фармонда кўзда тутилган тадбиркорнинг ҳуқуқий ҳимояси, унинг эртанги ривожи, иқтисодиётимиз равнақидаги, халқимиз фаровонлигидаги беқиёс ўрнини таъминлашда ғоятда муҳим аҳамият касб этгани боис ҳам қувониб кетдим, долзарблигини ҳис этдим. Бу, албатта ҳар хил текширувларнинг олдини олиши билан бирга, тадбиркорнинг қимматбаҳо вақтининг тежалишига, ўз ишига иштиёқи сўнмаслигига ҳам катта ҳисса бўлади.

Яна бир нарса, яъни «Ҳакамлар суди тўғрисида» қонун қабул қилиниши ва тадбиркорлик субъект ва бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилганлиги ҳам оқилона тадбир ҳисобланади. Негаки бу халқаро тажрибада синалган усул ҳисобланиб, тадбиркорлик субъектлари билан ўртада хўжалик низолари туғилса уни кўриб чиқиш хўжалик суди ёки ҳакамлар суди зиммасида бўлади. Бу, албатта тадбиркорлар фаолияти эркинлигини кафолатлаб, адолат бўлишига эришишда жуда муҳим саналади. Бир сўз билан айтганда, Фармон тадбиркорлар учун нур устига аъло нур бўлди.

**Насиба МИРОДИЛОВА,**
**Тошкент шаҳар Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси раиси**

# ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Давоми. Боши 1-бетда

Бундан бир ой аввал Андижонда рўй берган экстремистик чиқишларни ўзбек халқининг тинч-осуда ҳаёти, ўз кучи билан эришган мислсиз муваффақиятларини кўролмаганларнинг хуружи дейишга ҳақлимиз.

Ўзбек халқининг бошига тушган бу мусибат қанчалик қайғули, оғир дардли бўлмасин, лекин у қийинчиликларни мардларча енгиб ўтди. Зеро, бундай вазиятларда бирдамлик, ҳамжиҳатлик, букилмас ирода каби миллатимиз, халқимизнинг улуғ фазилатлари ҳар доим устун келган ва шундай ҳам бўлиб қолади.

Андижонда ҳаёт маромида кечмоқда. Қадимий воҳанинг гўзал щаҳри аҳолиси кундалик ташвишлар билан машғул. Талофат кўрган объектлар таъмирланиб, тикланмоқда. Бу фожианинг оқибатида кўрилган моддий зарарлар аста-секин қопланмоқда. Маънавий зарар — одамларнинг бу борадаги кўнглидан кечаётган ҳис-туйғулари ҳам аламли, ҳам қатъийлигича қолмоқда: ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди! Террорчи-экстремистлар ўзининг қабиҳ ниятига етолмайди. Чунки халқ уларни қўллаб-қувватламайди, уларнинг сохта даъватларига эргашмайди.

Ўзбекистон халқи танлаб олган ўз йўлидан ҳеч қачон оғишмайди, зеро истиқлолнинг озод, эркин, мустақил, хуррамлик омиллари ўз ифодасини топгани, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган ҳаётга эришишдек неъмати барча нарсадан устундир. Шу боисдан-да бу неъмат энг улуғ, энг азиз!

Бу борада келажаги буюк давлатнинг ворислари — ёшларнинг ҳам сўзи қатъий. Юртбошимизнинг «Эй, болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг ҳоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ...», дея айтган сўзлари уларнинг қалбидан, юрагининг тўридан жой олган.

Баркамол авлод Андижондаги офатни содир этганларнинг ва уларнинг орқасида турганларнинг асл мақсади нима эканлигини яхши англайди ва бўлиб ўтган воқеаларга қатъий муносабатини шундай билдиради: «Шу Ватан учун, шу халқ учун, керак бўлса жонимизни ҳам беришга тайёрмиз!» Қуйида уларнинг бу борадаги фикрларига бир қулоқ солиб кўринг-а: уларда ватанпарварлик руҳи нақадар кучли эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

**Фарруҳ МУҲИДДИНОВ, Тошкент давлат юридик институти талабаси:**

—Биз, талаба ёшлар, бугун халқимиз ўз қадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқини яхши англаб етганлигини, мустақил Ўзбекистонни ҳеч ким ўзи танлаган йўлидан қайтара олмаслиги, ўсиб келаётган авлодга билдирилаётган юксак ишончни албатта оқлашимиз лозимлигини жуда яхши англаймиз. Андижондаги террорчиларнинг машъум ҳаракатлари оқибатида бегуноҳ инсонлар қони тўкилди. Бу дунёда ҳеч бир жиноят жазосиз қолган эмас. Биз эса мақсади тинч ҳаётимизни бузишга уриниш бўлган кимсалардан огоҳ бўлишимиз, “тузимизни ичиб тузлуғимизга туфурувчилар” ҳам борлигини унутмаслигимиз лозим. Бизнинг шиоримиз шундай: «Яшнасин бу ёруғ олам, тинчлик бўлсин абадий!» Эртага бўлиб ўтадиган ёшлар фестивалида ҳам биз тинчлик тарафдоримиз, мустақил Ўзбекистонимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз ғояси атрофида бирлашамиз.

**Феруза УМРЗОҚОВА, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси:**

— Террорчиларнинг ёвуз қилмишлари ўз йигитлик бурчини ўташ учун муддатли хизматни ўтаётган ёш, навқирон йигитлар умрини бевақт хазон қилди. Қанча оналар, норасида гўдаклар чирқиллаб қолди. Эслаганда, юрагингда нафратинг тошади. Ахир, нобакор, ўйлаб қадам босмайсанми, бир тўда бузғунчилар эркин, демократик, озод ва обод Ватан тақдири, эртаси, келажаги учун, бир ғоя, бир мақсад атрофида бирлашган халқни енгиши мумкинми? Албатта, бу пуч хаёл, чучварани ўтирган жойида хом санаб юрганларнинг сафсатаси... Халқ тўлқиндир, уни унча-мунча куч тўхтатиб ёки йўлини ўзгартириб юборолмайди, унинг йўлига тушиб қолган хас-хашаклар эса ўнглана олмай ғарқ бўлиб кетади.

«Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди». Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу пурмаъно сўзлари Ўзбекистон ёшларининг ЭРТАГА Тошкентда бўлиб ўтадиган ватанпарварлик фестивалининг шиори этиб танлангани ҳам бежиз эмасдир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Телерадиокомпания, Республика «Камолот» ЁИҲ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Терра Групп» компанияси ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирга 7000 нафардан зиёд мактаб ўқувчилари, лицей-коллеж ҳамда олий ўқув юртлари талабалари таклиф қилинганлар. Фестивалда таниқли санъат арбоблари, эстрадамизнинг ёрқин юлдузлари иштирокида концерт дастури намойиш этилади. Шунингдек, бадиий жамоалар, спорт бўйича жаҳон чемпионларининг чиқишлари режалаштирилган.

**ШАҲНОЗА ҚУДРАТХЎЖАЕВА**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Учрашув ишчи гуруҳининг иш режасига мувофиқ ўтказилди.

Унда мамлакатимиз Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Анвар Набиев ишчи гуруҳи аъзоларини 13 майда Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари билан таништирди. Ишчи гуруҳи аъзоларига юз берган фожиали воқеалар хронологияси тегишли тергов материаллари асосида тақдим этилди.

Терговнинг ушбу босқичдаги материаллари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Андижон воқеалари халқаро радикал кучларнинг олдиндан пухта режалаштирилган ва конституциявий тузумни куч билан ағдариб ташлаш, келажакда Халифалик ташкил қилиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатидир.

Тергов террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун ўзини «Туркистон ислом ҳаракати» деб атовчи (собиқ Ўзбекистон ислом ҳаракати), «Ҳизб ут-Таҳрир» ва унинг тармоқларидан бири — «Акромийлар» каби халқаро террорчилик ташкилотлари жалб қилингани тўғрисида рад этиб бўлмайдиган маълумотларга эга.

Босқинчилар учун қурол-аслаҳанинг муайян қисми Андижонга улар ҳужум бошлашидан олдин четдан келтирилган ва террорчилик ҳаракатларида хорижий давлатлар фуқаролари иштирок этган.

Террорчилик ҳаракатлари натижасида жами 176 киши ҳалок бўлган, шундан 79 нафари террорчилардир. Тўқнашувлар оқибатида террорчилар қўлида 20 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, 11 ҳарбий хизматчи, 45 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган. 21 марҳумнинг шахси аниқланмоқда.

Ярадорлар — 295 нафар. Улардан 62 нафари - террорчилар, 47 нафари — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, 35 нафари — ҳарбийлар, 18 нафари — тинч аҳоли вакиллари, қолганларининг террорчилик ҳаракатларига алоқадорлиги аниқланмоқда.

Тартибсизликлар давомида ёқиб юборилган ва зиён етказилган автомобиллар сони — 73 та, бинолар эса 20 та.

Етказилган зарарнинг умумий қиймати уч миллиард сўмдан ошади.

Террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчилари ва молиявий манбаларини ҳамда Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқариш ва унинг халқаро обрўсига путур етказишдан манфаатдор шахсларни аниқлаш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Келтирилган маълумотлар дастлабки тергов натижаларидир. Шу муносабат билан Бош прокуратура раҳбарияти ишчи гуруҳи билан яқин алоқада иш олиб бориш, мониторинг қилиш ҳамда холис баҳолаш учун унга жиноий иш билан боғлиқ зарур материалларни тақдим этишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Неъматов иштирок этди.

**ЎзА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **РЕСПУБЛИКА** Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасида КЕЧА бўлиб ўтган йиғилишда ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

• **КЕЧА** шаҳримизда нодавлат, нотижорат газеталар таҳририятлари ижодий ходимлари ҳамда газетхонлар иштирокида ўтказилган тадбир «Очиқ эшиклар куни» деб номланди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Оқтепа» маҳалласида фаол аёллар иштирокида ўтказилган давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масаласига бағишланди.

• **ЮНУСОБОД** туманида Сиҳат-саломатлик йилига туҳфа сифатида яқиндагина фаолият бошлаган «Тиббиёт олами» хусусий клиникаси шифокорлари жигар ҳамда буйракни муолажа қилишда янгича усулни жорий этишди.

• **АЁЛЛАР,** эркаклар, болалар кийимлари тикишга ихтисослашган «Азиза Сайфи қизи» тикувчилик корхонаси қошида ноёб либослар дўкони очиладиган бўлди. Ушбу корхонада эндиликда замонавий пардалар тикиш ҳам йўлга қўйилди.

• **БУГУН** «Чоштепа», Навоий ҳамда «Нўғойқўрғон» маҳаллаларида Андижон вилоятида содир этилган террористик ҳаракатларнинг мудҳиш оқибатларига бағишлаб уюштирилган тадбирларда маҳаллалар фаоллари, «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими вакиллари иштирок этишди.

• **КЕЧА** «Иттифоқ» маҳалласи фуқаролар йиғини ташаббуси билан маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг 60 нафар аъзолари ҳолидан хабар олинди, уларга бепул иссиқ овқат тарқатилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳокимлик ва идоралар, соғлиқни сақлаш тизими ва фармацевтика ташкилотлари вакиллари қатнашди.**

Мазкур қўмита раиси И.Насриев бошқарган йиғилишда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг Фарғона вилоятида ижросига оид масала муҳокама этилди.

Ушбу қонун ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар бажарилгани қайд қилинди. Айни вақтда вилоятда жами 522 та дорихона фаолият юритмоқда. Вилоят «Дори-дармон» очиқ акционерлик бирлашмаси тизими орқали ўтган йили 88,8 миллион сўмлик, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 32,5 миллион сўмлик дори-дармон имтиёзга эга бўлган беморларга бепул етказиб берилган.

Қонун талабларига биноан вилоят ҳудудида 58 та дорихона стерил ва ностерил воситалар тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланаётир.

Шу билан бирга соҳада қатор камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Хусусан, дорихоналарда олий маълумотли фармацевтлар, провизорлар ва ўрта махсус маълумотли доришунослар етишмайди. Баъзи жойларда дори воситалари ноқонуний ва ҳатто антисанитария шароитида сотилмоқда. Уларнинг орасида қалбаки, сифати кафолатланмаган, яроқлилик муддатлари ўтиб кетганлари ҳам бор.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан депутатлар, алоқадор ташкилотлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазалари тингланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Мамлакатимизда молия бозорини янада эркинлаштириш доирасида кредит уюшмаларини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бинобарин бундай уюшмалар тадбиркорлар учун банкларга қарашли бўлмаган кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси «Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ривожлантириш истиқболлари» мавзусига бағишлаб 15 июнда Марказий банк билан биргаликда ўтказган давра суҳбатида ана шу — банкларга қарашли бўлмаган молия институтини ташкил этиш ва унинг фаолият механизми билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Муҳокамалар чоғида шу нарса таъкидландики, мамлакатимизда ташкил этилган дастлабки кредит уюшмаларининг фаолияти таҳлили бу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг тўғри эканлигини яққол тасдиқлади. Тажриба кредит уюшмалари тадбиркорлар учун молиялаштиришнинг ишончли манбаига айланиб бораётганлигини кўрсатмоқда: унинг шарофати билан аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун мўлжалланган лойиҳалар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда.

Кредит уюшмаларини ривожлантиришдаги ижобий жиҳатлар билан бир қаторда бу муҳим ишдаги мавжуд муаммолар ҳам тадбир иштирокчилари томонидан таҳлил этилди. Чунончи ҳозирги вақтда мамлакатимизда ҳаммаси бўлиб йигирматагина кредит уюшмаси ишлаб турганлиги, биронта ҳам кредит уюшмаси ташкил этилмаган минтақалар борлиги (Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари) айтиб ўтилди.

Шу муносабат билан жойларда аҳоли кредит уюшмаларининг моҳияти тўғрисида ҳам, уларни ташкил этиш механизми, рўйхатдан ўтказиш ва фаолият олиб бориш тартиби ҳақида ҳам етарлича ахборотга эга эмаслигига эътибор қаратилди.

Марказий банк вакиллари, мамлакатимиздаги етакчи кредит уюшмаларининг раҳбарлари мунозара доирасида маъруза билан сўзга чиқдилар. Кредит уюшмаларини тузишга, уларнинг фаолият олиб боришига тааллуқли масалалар қатори бундай уюшмаларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш йўллари ҳақида фикрлашиб олинди.

Ўзаро фикр алмашинув асосида аҳолининг банкларга қарашли бўлмаган молия институтидан хабардорлик даражасини оширишга, кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди, бунда кредит уюшмаларининг кўпайиши банкларга қарашли бўлмаган молия ресурслари ҳамда хизматларидан тадбиркорларнинг фойдаланиши эркинлиги ва имкониятларини янада кенгайтириш омили бўлади деб айтилди.

Давра суҳбатида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, тегишли вазирликлар ва идораларнинг, мамлакатимиздаги тижорат банклари, кредит уюшмалари ва олий ўқув юртларининг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

**ЎзА**

*Бу турфа олам*

## ФИНЛАР ШИКОРГА ЧИҚМОКДА

**“Чучварани хом санама” деган накл Челябинскда яна бир бор ўз исботини топди.**

Маҳаллий ов хўжалиги овнинг яна бир тури — валюта овлаш билан шуғулланмоқчи бўлишди ва финларни айиқ отишга таклиф қилишди. Меҳмонлар учун бу тадбир жуда қимматга тушиши мумкин эди. Лекин маҳаллий махсус хизмат ходимлари ишга тўғаноқ бўлди.

## ПЕРУЛИК “МАУГЛИ”

**Перу қишлоқларидан бирининг аҳолисига кўпгина уйкусиз тунларни бошидан кечиришга тўғри келди. Гап шундаки, қишлоқ атрофида пайдо бўлган сочлари узун, қипяланғоч одамсимон сирли мавжудот кечиккан йўловчилар юрагига ғулғула солиб қўйган эди. Ниҳоят ҳар хил ваҳималарга чек қўйишга аҳд қилган довюраклар топилди. Сабр-тоқат билан узоқ вақт давом этган кузатувлардан сўнг улар олмахонга ўхшаб овоз чиқарувчи ўн ёшлардаги ўғил болани тутиб олишга муваффақ бўлдилар.**

Маҳаллий аҳоли “олмахон-бола” деб атаган болакайни ота-онаси ўрмонга ташлаб кетган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳайвонлар ўртасида ўтказилган узоқ вақт оқибатида у мутлақо ёввойилашиб кетган, одамлар нутқини унутиб юборган, чангалзорлардаги ҳайвонлар одатларига кўникиб кетган экан. У қўл-оёқларидан фойдаланиб, сакраб-сакраб ҳаракат қилар, емиши ўт-ўланлар ва илдизлардан иборат эди.

Перулик “маугли”нинг танаси моматалоқ бўлиб кетган, ҳар ер-ҳар ери тилинганди — бу номаълум “махлуқ”ни таёқ ва тошлар билан қувлаган теварак-атрофдаги қишлоқ аҳолиси билан учрашувларнинг оқибати бўлса керак.

## ГУЛ ТУВАКДАГИ АРЧА

**Одатда дарахтларнинг бўйини пакана ҳолда ўстириш қадимги вақтларда Жануби-Шарқий Осиёда пайдо бўлган эди. Бироқ бу борада Японияда ҳайрон қоларли муваффақиятларга эришилди.**

Японларнинг “Бонсай” иероглифи “тарелкада дарахт ўстириш” деган маънони билдиради. Биз хоналарда гулларни одатдаги тувакларда ўстирганимиз каби ўшандай катталикдаги идишларда тажрибакорлар қарағай, пахта, арча ва бошқа турдаги дарахтларни ўстирадилар. Масалан, 40 ёшли пакана арча ҳақиқий арча сингари кўринишга эга бўлади. Бироқ унинг баландлиги 25 сантиметрдан ошмайди.

## УЛКАН ҚЎЗИҚОРИН

**Самара шаҳрилик шофёр Анатолий Горбачев навбатдаги рейсда кетаётиб, сув қуйиш мақсадида машинасини тўхтатди. Йўлнинг икки чети ўрмон эди. Сув қидираркан, узоқда ётган катта шарларга кўзи тушди.**

Яқинроқ бориб, ўз кўзларига ишонмади. У ерда ётган нарса шар эмас, балки, ҳар бирининг оғирлиги 7 килограммлик қўзиқорин эди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 27-кечки таълим мактаби томонидан Исмоилова Феруза Асроровна номига берилган А — 195290 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





*Танловлар*

# КАРНАЙ НАВОСИ

**Истиқлол туфайли мамлакатимизда миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз қадр топди. Айтиш жоизки, халқимизда қадимдан тўй-тантаналар, байрамлар карнай-сурнай, ноғораю чилдирмалар жарангисиз ўтмайди. Маросимларимиз кўрки бўлган карнай ва сурнай тўйларимизга ҳамиша файз киритиб келмокда.**

Бугунги кунда карнай ва сурнай чалувчи фахрийлар қаторида кўплаб ёш чолғучи созандалар сафи кенгайиб бормокда. Куни кеча Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Маънавият гулшани» даврасининг «Аждодлар мероси-олтин мерос» туркумида «Карнай наъраси» деб номланган шаҳар ёш ҳаваскор карнайчиларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ нинг Тошкент шаҳар бўлими, «Тошкент» карнайчилар гуруҳи ҳамда Ғафур Ғулом номидаги боғ маъмурияти ташаббуси билан ўтказилган танлов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги ҳамда Сиҳат-саломатлик йилига бағишланди.

Айтиш жоизки ўтган йилларда «Сурнай сеҳри» мавзусида ҳаваскор сурнайчиларнинг шаҳар ва республика фестиваллари ўтказилган эди. Бу йилги «Карнай наъраси» деб номланган танловда асосан шаҳримиздаги маданият уйларида фаолият юритаётган ёш карнайчилар қатнашдилар. Тадбирда ёш чолғучиларнинг маҳоратларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Тадбир аввалида кўп йиллар миллий созандачилик санъатига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир қатор фахрий карнайчиларга шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

—Ушбу фестиваль ва кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, -дейди тадбир муаллифи ва режиссёри Ғафур Ғулом номидаги боғ раҳбарининг ўринбосари Музаффар Жаъфаров. — Миллий анъаналаримиз, қадриятларимизни эъзозлаш, миллий созандачилик санъатини ривожлантириш, уни тарғиб қилишдан иборат. Шунингдек, халқимизнинг яхши кунларида муносиб ҳисса қўшиб келаётган фахрий карнай-сурнайчиларни эъзозлаш, уларнинг аждодлари ва устозлари ёдини шод этиш ҳамда ёш ижрочиларни кашф этиш, уларни қўллаб -қувватлашдир.

Низомга асосан кўрик-танловда 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёш карнайчи йигитлар қатнашиб, улар уч шарт бўйича «Куй ижросида карнай усули», «грибон» ижросида бошловчига жўр бўлиш маҳорати, карнайни қайтарма нафас билан чалиш бўйича ўзаро беллашдилар. Карнайчиларга сурнай,ноғора, доира ва бошқа созлар жўр бўлди. Карнай-сурнай дасталари ижросида оилавий маросимлар куйлари ва қўшиқлари, рақслар ижро этилди.Танлов сўнгида ғолиблар аниқланди. Шайхонтоҳур туманидан А.Мирзараҳимов энг олий ўринга сазовор бўлди. Биринчи ўринга эса С.Раҳимов туманидан Қ.Шарипов, иккинчи ўринга Мирзо Улуғбек туманидан Д.Жўраев ва Чилонзор туманидан Қ.Шариповлар муносиб деб топилдилар. Шунингдек учинчи ўринга учта номзод аниқланди. Ғолиб топилган ёш истеъдодли чолғучилар Ғ.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти томонидан қимматбаҳо совғалар ва бошқа иштирокчиларга Фахрий ёрлиқлар топширилди. Шодиёна руҳда ўтган танловда эл севган санъаткорлар, кулги усталари ўзларининг дилбар қўшиқлари, ичакузди ҳангомалари билан даврага янада файз киритдилар

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Карнай наъраси» кўрик-танловидан лавҳалар.**

**Раҳмон-БЕК олган суратлар.**

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**18 ИЮНЬ, ШАНБА**

**Мунажжимлар бугунги кунни жуда ажойиб кунлардан бири дейишади. Ой тақвими 11-12 кунининг сири шундаки, бу кун қалби ва ишлари пок одамлар учун омадли келади. Қуёш тақвими 30-кунининг рамзи эса, ҳумо қуши, товус, тасбеҳ ва қўнғироқлардан иборат бўлиб, улар инсоният ижодий куч-қудрати чексиз-чегарасизлигини эслатиб туради**

Эртакларда айтиладиганидай, Ҳумо қушининг биттагина патини қўлга туширилса бас – сиз ер ва самонинг беҳисоб бойликлари соҳибига айланасиз.Ўз фикр-ўйларингиз, сўзларингиз ва қилмишларингиз тасбеҳ доналаридай тақдирнинг ягона риштасига териб чиқилар экан,инсон кўзи олдида унинг ҳаёти теран маъно-мазмуни намоён бўлади.

Сувли идишнинг синиши бугун яхшилик аломати ҳисобланади. Тишнинг синиши ёки пойабзалнинг йиртилиши баъзи бир нохушликлардан огоҳлантиришдир. Ёмғир остида қолиш ёки устингизга сув тўкилиши ҳам яхшиликка ишора. Пойабзал пошнасининг синиши, тишларнинг тушиши, соч ва киприкларнинг тўкилиши бўлажак нохушликлардан хабар беради. Олов ва темир билан боғлиқ ҳамма нарсалар, экин экиш учун кун қулай ҳисобланади. Пул муомаласи, айниқса қарз олди-бердиси билан бугун шуғулланмаган маъқул.

Яхшиси, кулранг, яшил ёхуд ҳаворанг кийимлар кийганингиз маъқул. Ёрқин ранглар, айни пайтда қизил либослардан бугунча нарироқ бўлинг.

**БУГУН:**

— имкон қадар ҳар қандай ташвишлардан дам олиш;

— одатий маромда меҳнат қилиш;

— ишлаб чиқаришда ва уйда техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш;

— ирода кучи, босиқ-вазминлик ва матонатингизни намоён этиш;

— фақат шошилинч ҳал этилиши лозим бўлган ва ёлғиз ўзингиз уддалайдиган муаммолар устида ишлаш;

— ҳамма ишда тақдир ва илоҳий қудратга таяниш тавсия этилади.

Шахсий муаммоларингизга ортиқча эътибор бериш, қалтис хатти-ҳаракатлар қилиш, бўёқ, ўғитлар ва бошқа кимёвий дорилар билан эҳтиётсизларча муносабатда бўлишдан огоҳлантирамиз.

**19 ИЮНЬ, ЯКШАНБА**

**Мунажжимлар бугун таваккалчиликка йўл қўймай, саломатлигингизни асраб, ҳамма нарсада ва ҳар ишда эҳтиёткорликка чорлашади.**

Қуёш тақвими биринчи кунининг рамзи бўлган чироқ ақл ёғдусисиз, муҳаббат оловисиз ва ижодий куйиб-ёнишларсиз ҳаётнинг бўлиши мумкин эмаслигини ёдга солиб туради.

Уйингизга қушнинг учиб кириб қолиши (ҳатто қоғоздан ясалган каптар бўлса ҳам) бугун эзгулик аломати ҳисобланади. Сизни ажаблантирадиган ҳар қандай кутилмаган ҳодиса, совға яхшиликка ишорадир. Қуёшнинг чарақлаб туриши ҳам хурсандчилик келтиради. Ерни қиртишлаш, тешик ҳамён устида ғамгин хаёл суриш эса нохушликлардан дарак беради. Яхшиси ўйнаб-кулиб,-ҳазил-мутойиба билан кунни ўтказган маъқул.

Ёркин, қувноқ ва байрамона либослар кийишга ҳаракат қилинг. Хира ранглар ҳамда кўк ва қора рангли кийимларни жавонингизнинг нариги чеккасига суриб қўйинг.

**ЯКШАНБА ТАВСИЯЛАРИ:**

— кундалик ишларни давом эттириш;

— фақат жуда жўн муаммоларнигина ҳал этиш вазифасини қўйиш;

— спорт билан, оғир жисмоний меҳнат билан машғул бўлиш;

— спартанча ҳаёт тарзига амал қилиб, исрофгарчиликка йўл қўймаслик;

— оғир дамларда ишдаги дўстларингизга мурожаат этиш;

— тиббиёт ходимлари ҳузурига ташриф буюриш бугунги кун руҳига мос келади.

Янги ишларни бошлаш, анҳор ва ҳовузларда чўмилаётганда ортиқча бепарволикка йўл қўйиш, атрофдаги ҳаётдан узилиб, хом хаёлларга берилиш, кўп вақтингизни ёлғиз ўтказишдан сақланинг.

**20 ИЮНЬ, ДУШАНБА**

**Бугунги ҳар қандай сафарлар, шу жумладан, хизмат сафарлари, саёҳатлар омадли бўлади – мунажжимларнинг якдил фикрлари шундай. Ўз туйғуларингизга ишонишингиз мумкин.**

Мунажжим С. Илёсов таъбирича, бугунги кун тўплаш ва йиғиш билан боғлиқ экан. У ҳар қандай гуруҳий мулоқотлар учун омадли бўлади. Ўқувчи, шогирд учун ҳам бу кун самарали ўтади. Шу куни ўткир қобилият эгалари дунёга келиши ҳам тахмин қилинади. Бугун узоқ кутилган ва янги ҳаётни бошлаш мумкин бўлган кун. Ой тақвими 14-куни шуни тақозо этади, дейди мунажжим Л. Неведомская. Яқинлашиб қолган тўлин ой ҳам ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Шу куни ўзингиз учун янги ҳисобланган ишга киришишингиз мумкин. Бошқа иш жойига кўчиб ўтиш учун ҳам бу кун қулай ҳисобланади.

Кўрилган тушларингизга эътибор беринг: уларда ҳайвон ва паррандаларни кўриш ва сувда сузиш – яхшилик аломатлари.

Бугун рўза тутиш ёки овқатдан қандайдир тарзда ўзингизни чеклашни маслаҳат бермаймиз.Лекин жигар ва ўт пуфаги хасталикларга мойил бўлишини ёдингизда тутинг (шубҳали таомлардан бутунлай воз кечганингиз маъқул).

Ёрқин бўлмаган, ҳаворанг ва кумушранг либослар бугун ярашиқли ва омадли бўлади. Сариқ, зарғалдоқ ранг ва шуларга яқин тусли кийимлардан узоқроқ бўлинг.

**БУГУН:**

— асосий ишингиздан чалғимаган ҳолда уддалайдиган иш билан машғул бўлиш;

— ижтимоий ва оилавий муаммоларни ҳал этиш;

— қатъият ва ақл-фаросатингизни намоён қилиш;

— хизмат сафарлари, саёҳатларга йўл олиш;

— оғир вазиятларда умр йўлдошингизга мурожаат қилиш;

— барча қоида, кўрсатма ва йўриқномаларга риоя қилиш;

— хизмат мавқеингиздан тўғри ва унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Аскиябозлик, ҳазил-мутойиба ва кўп кулиш, рўзғор ва маиший муаммолардан ортиқча ташвишланиш, асабийлашиш,тасодифий танишлар орттиришдан ўзингизни тийинг.

**Маълумки, Япония аҳолиси узоқ умр кўриш бўйича жаҳонда етакчи ўрин эгаллайди. Жорий йилда ҳукумат томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаси мамлакатда 90 ва ундан ошган фуқаролар сони 1 миллиондан ошганлигидан, 20 мингдан зиёд японлар эса бир аср ва ундан кўпроқ яшаганлигидан далолат беради.**

## «МЎЙСАФИД ЁШЛАР» МАМЛАКАТИ

Кунчиқар мамлакатда ўз ҳаёти давомида турли силсилалар ва воқеаларни бошдан кечирган мўътабар отахон ва онахонларнинг кўплиги хорижликларни доим ҳайратга солиб келаётир. Бироқ японияликлар учун бу одатий ҳол.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида жавлон ураётган, турли юмушлар билан кўча-кўйда елиб-югураётган фуқароларнинг катта қисмини 60 ёшли «мўйсафид ёшлар» ташкил этади.

Яна ўша расмий маълумотларга мурожаат этилганда, 65 ёш ёки ундан катта бўлган фуқаролар сони мамлакат умумий аҳолисининг 19,5 фоизини ёки 25 миллионни ташкил этади.

Япон тадбиркорларининг фикрича, айрим вазифаларни бажаришда «мўйсафид ёшлар» ўз фарзанд ва набираларига қараганда яхшироқ натижаларга эришар экан.

Хусусан, малака ва кўникма, сабр-бардош ва ҳаётий тажриба бобида уларга тенг келадиган йўқ. Шу билан бирга айни пайтда кексаларни иш билан таъминлаш ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида ҳукумат томонидан қатор ишлар амалга оширилмокда.

Нуроний японлар узоқ умр кўриш сирини соғлом ҳаёт тарзи, мунтазам спорт билан шуғулланиш, тушкунликка тушмаслик ва сидқидилдан меҳнат қилишда деб биладилар.

**Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ**
**«Жаҳон» АА**
**Токио, Япония.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Сахий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиатли кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол кабидир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй ҳидларни бошлаб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан ўтса, муаттар исларни келтиради.

Байт:

**Ҳар кимнинг бор**
**экан танида жони,**
**Ким билан**
**сўзлашса, бўлар**
**таъсири.**
**Ёмонлик бўлмаса**
**кишининг афъоли,**
**Доим яхши билан**
**хуш суҳбат қурар.**

● Оғирчилик ва ғамгинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир.

**Суҳбат учун топсанг**
**доно кишини,**
**Ёмонларни яқин**
**йўлатма зинҳор.**
**Дилга ёққан фақир**
**доно суҳбати,**
**Нодон бойдан кўра**
**яхшидир минг бор!**

● Кимки яхшиликни касб қилишга интилса, яхши мақтовларга сазовор бўлади.

Айтди: Қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.

Айтди: Агар дўст сендан насиҳатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда муммаллик кўрсатса, айбларидан сени огоҳ қилмаса, бундай дўст алоқани узиш ва ундан узоқлашишга сазовордир.

● Мулойимлик қуввати билан ғазаб оловини сўндиролган киши ҳақиқий мақтов ва олқишга лойиқдир.

● Ғазаб ўт олганда мулойимлик кўрсата олиш ва ғурурини синдира олиш ақлли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги боисидир.

● Уч нарса уч нарса билан бирга бўлмайди: очкўзлик билан ҳалоллик, ғазаб билан меҳрибонлик, лақмалик билан ростгўйлик.

● Ҳикмат бир дарахтки, у кишининг юрагида ўсади, меваси эса тил орқали тўкилади.

● Кимки узоқ яшашни хоҳласа, юрагини тинчлик ва мусибатларга қарши шай тутиши керак.

● Кимки бошқалар ҳаётидан ибрат олса, унинг ҳаётидан бошқалар ибрат олади.

● Бемор учун таому ичимликлар ёқмагани каби дунё муҳаббатига мубтало бўлган кишининг юрагига панду насиҳат фойда бермайди.

Байт:

**Ғафлат йўлида**
**юрувчилар насиҳатга**
**қайдай қилсин,**
**Уйқу бандаларни**
**овоз қачон бедор**
**қила олар?**

# ГЕРМАНИЯДА ИҚТИСОДИЙ ФОРУМ

**Яқинда Германиянинг бош молиявий марказларидан бири бўлган Франкфурт-Майнда "Ўзбекистон — юксалиш палласи" ўзбек-герман иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Германия-Осиё иқтисодий бирлашмаси (ГОИБ) ва Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонаси билан биргаликда ташкил этилган ушбу форумда 80 га яқин сиёсий ва иқтисодий доира намоёндалари, шунингдек 20 га яқин хусусий фирма, қурилиш, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати компаниялари вакилларидан иборат бўлган Тошкент шаҳри Савдо-саноат палатаси делегацияси иштирок этди.**

Унда ГОИБ президенти Б.Крюгер, Франкфурт-Майн парламенти президенти К.Бюрманн, "Коммерцбанк АГ" вице-президенти А.Боммерсхайм, "Coudert Brothers LLP" аудиторлик компанияси бошлиғи С.Рогожин, "MES-PROJECTSERVICE" компанияси бош директори Х.Шнайдер сўзга чиқиб, ўзаро иқтисодий муносабатлар тараққиёти ва молия воситаларини Ўзбекистон иқтисодига жалб қилишнинг истиқболи порлоқ эканини таъкидлашди ҳамда Ўзбекистонда олиб бораётган ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ўзбекистонлик иштирокчилар пойтахт Савдо-саноат палатаси фаолияти, кичик ва ўрта тадбиркорликни жонлантириш бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар тўғрисида немис ҳамкасбларига батафсил маълумот бердилар.

— "Бугунги тадбир иккитомонлама савдо-иқтисодий алоқаларни келгусида янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Кўпсонли немис ишбилармонларининг форумда иштирок этиши, уларнинг маърузаларга бўлган қизиқиши ана шундан далолатдир. Шу боис ГОИБ жорий йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистонга немис ишбилармонлари делегацияси сафарини ташкил этишни ният қилган", — деди форум якунларига муносабат билдира туриб, ГОИБ президенти Бодо Крюгер.

**"Жаҳон" АА**

## БАХТЛИ БОЛАЛИК

Кечки таомдан сўнг «Ойнаи жаҳон»да бериладиган янгиликларни кўриб ўтирсам, набирам Нигорахон:

— Бобо, эртага мактабимизда сўнгги қўнғироқ, шунга сизни таклиф қилишди. Директор опамиз таклифнома бериб юбордилар, — деб қолди.

— Албатта бораман, — дедим таклифномани кўздан кечира туриб.

Эрталаб бобо ва набира йўлга тушдик. Мактаб ҳовлисига киришим билан вужудимни бир ғалати ҳиссиёт чулғаб олди. Бу ерда анчадан бери бўлмаганим учунми, ҳар қалай мактаб кенгайиб, унинг ҳовлиси янада обод ва кўркамлашгандек кўринди кўзимга. Зум ўтмай бир тўда ўқувчилар атрофимни ўраб олишди. Улар билан савол-жавобга киришдик, дилдан суҳбатлашдик. Ҳозирги ёшлар барака топишсин, хўп ажойиб-да. Замонга яраша билимдон, зукколигини айтмайсизми? Шунақанги саволлар билан мурожаат қилишадики, баъзан уларга нима деб жавоб беришга ҳам қийналиб қоласан киши.

Мунозара авжи қизиган пайтда ичкаридан устоз-мураббийлар чиқиб қолишди. Салом-аликдан сўнг улар ҳаммани даврага чорлашди. Бир зумда худди ҳарбийларда бўлгани каби чор-атрофга ўқувчилар саф тортишди. Бир томонда ўқитувчилар, тантанага келган ота-оналар.

Табриклар янгради. Битирувчилар қутланди. Ўқувчилар мураббийларга гулдасталар тақдим этишди. Мусиқа янграб ёшлар бир овоз билан сўнгги қўнғироқ қўшиғини куйлаб юборишди.

Шодон чеҳраларни кўра туриб ёшлигим, биринчи ўқитувчим, мактабим, синфдош дўстларим кўз олдимдан ўтди. Бу икки ҳолатни бир-бири билан мутлақо таққослаб бўлмасди. Албатта ўшанда ҳам сўнгги қўнғироқ чалинарди. У ўша кундан бошлаб ёзги таътил бошланганидан дарак берарди. Лекин бунақа тантана, бунақа ўйин-кулги, бунақа табриклар бўлмасди. Очиғи, ёзги таътил биз ёшлар учун иш мавсумига айланарди. Кўпчилигимиз жамоа хўжалиги даласига чиқиб ота-онамизга ёрдам берардик. Ҳеч бўлмаса ўша кундан бошлаб мол-ҳолни боқиш, уни кун бўйи ҳосили йиғиб олинган очиқ майдонларда ҳайдаб, тўйдириш ва яна қанча-қанча майда-чуйда уй юмушлари. Хуллас ёзги таътилни ҳозиргидек завқ-шавқ билан кутиб олмасдик.

Бугун ёшларга қараб ҳавасинг келади. Улар ёзги таътилни унумли ўтказиш режасини аллақачонлар тузиб қўйишган. Кимдир соғломлаштириш оромгоҳларига, кимдир юртимиз бўйлаб сайру саёҳатга отланишни мўлжаллаган. Битирувчилар эса катта имтиҳонга — ўзлари ёқтирган ўқув даргоҳлари томон шошилишади. Хуллас уларга яратилган бугунги шароитни кўриб кўзинг қувнайди. Беихтиёр тилингга «Нақадар бахтлисиз, обод юртнинг озод ёшлари» деган илиқ сўзлар келади.

## ТАБИАТГА ОЗОР БЕРМАНГ

Яқин дўстларимиздан бири телефон қоқиб, ҳол-аҳвол сўради, кейин:

— Биз қариялар ҳам ҳадеб уйда ўтиравермай ҳеч бўлмаса бир дам олиш кунини табиат қўйнида ўтказайлик, — деб қолди.

Очиғи бу таклиф менга ҳам ёқиб тушди. Ёзнинг шу жазирама кунларида соя-салқин, тоғ ёнбағир кенгликларида ўзинг ёқтирган дўстлар билан мириқиб хордиқ чиқаргангга нима етсин.

— Жуда яхши ўйлабсан, — дедим мен. — Биздан бошқа яна кимлар бўлади? Қаерга, қайси машинада боламиз?

— Ўзингга яхши таниш бўлган улфатлардан яна икки кишини оламиз. Эшитмаганмисан, «улфати чор анда маза бор», дегандлар. Машина масаласи ҳал. Мен ўзимнинг «Москвич»имда олиб бораман. Тушлик учун битта паловхонтўранинг харажати ҳам каминанинг бўйнида. Сизлар нон-пон, майда-чуйда олволсаларинг бас.

Шундай қилиб, Хумсон сафарига шанба куни эрталаб соат саккизда чиқишни белгилаб хайрлашдик.

Бировни зориқтириб куттиргандан ёмони йўқ. Барвақтроқ йўлга тушдим. Белгиланган манзилга 15 дақиқа илгари етиб борсам дўстларим аллақачон келиб мени кутиб туришган экан.

Қизғин суҳбат асносида машинага ўтирдик. Қизил рангли «Москвич»имиз гуриллаб йўлга тушди. Шаҳар марказидан тобора узоқлаша-узоқлаша Қибрай йўлига чиқиб олдик. Тенгқур қариялар анчадан бери кўришмаганимизга суҳбат ҳеч тугамасди. Биримизнинг гапимиз ниҳоясига етмай, иккинчимиз янги мавзуни бошлардик. Хуллас, биримиз олиб, биримиз қўйиб Чирчиқ шаҳрига кириб бордик. У ёғи текис «яшил чироқ» йўл. Демак, Ғазалкентгача икки қадам.

Машинамиз олға босгани сари баланд тоғларга туташиб кетган қир-адирлар, пасттекисликлар тобора яқинроқ кўрина бошлади. Гўё қўл узатсанг уларга етгудек. Адоғи йўқ ям-яшил далалар сахий қуёш нурида ажабтовур кўзга ташланади.

— Ўзбекистонимиз чиндан ҳам жаннатмаконда, — дейди орамиздан кимдир узоқ-узоқларга тикила туриб.

— Диёримизнинг яшил табиати ҳам ўз исми-жисмига мос тушганини айтмайсизми?

— Шундай юртда яшаган инсон умр бўйи чет элдаги донгдор курортларни орзу қилмаса ҳам бўлади. Ахир биргина мана шу Бўстонлиқнинг ўзида жойлашган дам олиш масканларининг қай бири ўша машҳур курортлардан қолишади.

— Уни-буни қўйинглар, — дейди ҳайдовчимиз. — Қаерга ҳайдай, қаерда қўним топамиз?

— Бирор хонадонга тушганимиз маъқул. Ахир егулик тайёрлаш учун қозон-товоқ, ўтин-кўмир ҳам керак-да.

— Бунисидан хавотир олманглар. Ҳамма керакли нарсаларни юкхонага жойлаганман. Ҳатто палос, кўрпачаларгача бор.

— Ундай бўлса яхши, бирор соя-салқин жойни топсак бўлдида.

Хумсон санаторийсининг орқасидаги сув бўйидаги яланглиқдан жой топдик. Бу ерда биздан бошқа дам олувчилар ҳам кўп экан. Улар билан ёнма-ён жойлашдик. Кўпчилик яхшида, дарҳол қозонни осиб, оловни ёқиб юбордик. Ошга сабзини босиб қўйиб, сўнг бир мириқиб чўмиламиз, деган қарорга келдик. Ёнимиздаги уч-тўрт ёш-яланг ичиб олган, анчагина кайфи бор шекилли олдидаги бўшаган шишаларни ҳеч иккиланмай дам сувга, дам чор-атрофга улоқтириб туришибди. Баъзи шишалар тошларга урилиб синяпти. Ўша ерда ёш болалар гавжум. Бири ўйнаяпти, бири чўмиляпти. Бундай разм солиб турсак йигитлар ўтирган атроф турли консерва банкалари, йиртилган қоғоз парчалари, папирос қолдиқлари, синиқ шишаларга тўлиб кетибди. Уларни бир-икки бор тартибга чақирдик. Чор-атрофни ифлослантирмасликларини илтимос қилдик.

— Шу чолларнинг дийдиёсини эшитиб ўтиргунча турларинг ҳаммаларинг, — деди улардан бири. — Ўтин тамом бўлди. Бунақада овқатимиз ҳали-бери пишмайди. Ҳов анаву ердаги дарахт шохларидан синдириб келларинг.

Йигитлар биздан сал нарида шох отган теракка ёпишиб кетишди. Унинг шохларини бетартиб қайириб, синдириб ўтин тайёрлашга киришишди. Бу ҳолатни кўриб кайфиятимиз баттар бузилди. Шу топда юқоридан икки отлиқ киши пастга жадал тушиб келдида, табиатга озор бераётган бу йигитларни қувиб солди. Олдинига йигитлар уларнинг дўқ-пўписаларига унчалик эътибор беришмади. Қачонки, отлиқларнинг тарафдорлари кўпайгач, бор-бисотларини йиғиштириб жўнаб қолишди. Энди улар яна қай манзилни ихтиёр этиб, у жойни ҳам ифлослантирарканлар?

Ҳозир мана шу савол ҳаммамизни қийнарди. Чиндан ҳам биз шаҳар шовқинидан, дим ҳаводан қочиб табиатда жон асрагимиз келадию, шўрлик табиатнинг ўзи биздан безиллайдиган бўлиб қолганини ҳис этмаймиз. Баъзан она-табиатга нисбатан ваҳшийларча қилиқ қиламиз. Ахир табиат ҳам жонли нарсаку, нега унга раҳмимиз келмайди? Аслида бизнинг ўзимиз ҳам мана шу табиатнинг фарзандларимиз. Модомики, табиат бизнинг онамиз экан, унга қўл кўтарган нобакорларнинг жиловини тортиб қўйиш ҳар биримизнинг энг оддий инсоний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади., 3684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-509.

1 2 3 4 6